

Фикҳ 175-дарс. Рукуъ ва саждангизни батамом қилинг!



20:00 / 03.03.2022 3680

مَلَسَ وَهُوَ لَعْلَعٌ لِّلَّيْلِ لَّيْلٍ صَّيْبٍ نَّانُ عُنُوعٌ لِّلَّيْضِ رَعْنٌ حُبٌّ نَّبَّهْلٌ لِّلَّذَبَعِ نَعْنَعُ
عَيْ أَوْ يَفْوِءُ نَخِي شِلُّ أَوْ رِيءُ طِبِّ إِضَائِبٍ وَدَبِّي تَحِيءُ عَيْ دِي نَبَّ جَرَفٌ لَّيْلٍ إِذْ نَاكَ
تَرْمَعُ دِي تَحْتِ رُمْتٍ نَّأْتِ دَارًا مَّهَبٌ نَّأُولُ تَحِيءُ دِي نَبَّ يَفَاجَ دَجَسَ إِذْ نَاكَ

Абдуллоҳ ибн Бухайна розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намоз ўқисалар, икки қўлларини очиб қўяр эдилар. Ҳатто қўлтиқларининг оқи кўринар эди».

Икки шайх ривоят қилишган.

Бошқа бир ривоятда:

«Қачон сажда қилсалар, қўлларини бир-биридан қочирар эдилар. Ҳатто қўллари орасидан қўзичоқ ўтмоқчи бўлса, ўта олар эди», дейилган.

Бу ривоятда саждада турган одам чиғаноқларини қанчалик кўтариб туриши ҳақида сўз кетмоқда. Демак, у уларни ерга ҳам, қорнига ҳам яқин қилмай, кўтариб туриши лозим. Аёллар эса бунинг аксини қиладилар, яъни чиғаноқларини кўтармайдилар, қоринларини сонларига ёпиштирадилар.

Уч марта тасбеҳ айтади. Бу энг ози.

???? ?????????? ????? ?????????? ??????: ?????? ???????????

?? ? ? ?? ?????? ?????????? ?????? **هَلْ لَإِيَّاسٍ**

مَلَسَ وَهِيَ لَعَنَ. «????????????????? ??? ??????????????????».

?????????? ??????????? ?? ? ? ?? ??????: «?????????????????

??? ??????????????????» . ?????????? ??????? ??????????

??????????????.

Уқба ибн Омирдан ривоят қилинади:

«Фасаббих бисми Роббикал Азийм» нозил бўлганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Буни рукуъларингизда қилинг», дедилар.

«Саббих исма Роббикал Аъла» нозил бўлганда, у зот:

«Буни саждаларингизда қилинг», дедилар».

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

عَكَرَ إِذِ «: لَأَقَمَّ لَسَ وَهِيَ لَعَنَ هَلْ لَإِيَّاسٍ يَبْنُلَانِ أُنْ: هُنَّ لَلِ يَضَرُّ دُعُوسَ مَنَابِنَ عَ كَلَدُو، هُوَ وَكُرَّ مَمَّ دَقْفِ تَارْمَ ثَالِثٍ، مِطْعَمِ لَبَّيْ بَرَنَ أَحْبُسْ: هُوَ وَكُرَّ يَفَ لَأَقَفَ مَكْدَحَ أ مَمَّ دَقْفِ تَارْمَ ثَالِثٍ، يَلْعَالُ يَبَّ رَنَ أَحْبُسْ: هُوَ دُجْسُ يَفَ لَأَقَفَ دَجَسَ إِذِو، هَانَدَا دُوَادُ وَبَأُو يَذْمُرَّتْ لَأَوَرُ. «هَانَدَا كَلَدُو، هُوَ دُجْسُ

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон бирингиз рукуъ қилса-да, сўнгра рукуъсида «Субҳана Роббиял-Азийм», деб уч марта айтса, батаҳқиқ, рукуъси батамом бўлади. Бу энг озидир.

Қачон сажда қилса-да, сўнгра саждасида «Субҳана Роббиял-Аъла», деб уч марта айтса, батаҳқиқ, саждаси батамом бўлади. Бу энг озидир», дедилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Имом одамларга малол келмаслиги учун учтадан оширмагани маъқул. Якка намозхон ўзи билади.

Фарз намозларнинг рукуъ ва саждаларида тасбеҳдан бошқа нарса айтилмайди.

Ҳажми бор ва устига пешонаси ўрнашадиган ҳар бир нарса устига сажда қилиш жоиз.

Албатта, мазкур нарса жамодот ёки наботот бўлиши мумкин, аммо ҳайвонот бўлмаслиги шарт. Шу билан бирга, сажда қилинган нарсада пешона ўрнашиб турадиган бўлиши лозим.

Шунингдек, издиҳомда намоз ўқиётган шахснинг орқасига ҳам.

«Издиҳом» – тиқилинч деган маънони англатади.

Бу иложи бўлмаганда, зарурат юзасидан берилган рухсат.

Аёл киши пасайиб, қорнини икки сонига теккизади.

Аёл киши барча ҳолатларда йиғинчоқ бўлиши, барча тарафдан сатрнинг тадбирини қилиши яхшидир. Шунинг учун саждада ҳам у эркак каби эмас, балки ўзига хос сажда қилади.

Кейин намозхон такбир айтган ҳолида бошини саждадан кўтаради ва хотиржам ўтиради.

«Аллоҳу акбар!» деб бошини саждадан кўтариб, ўтиради. Бу ўтириш «икки сажда ўртасидаги ўтириш» дейилади. Унда ҳам намозхон бемалол, бўғинлари жойига тушадиган равишда ўтириши лозим. Агар биринчи саждадан қайтганда саждага яқин ҳолатда бўлса, иккинчи саждаси дуруст эмас. Қаъдага яқин бўлса, иккинчи саждаси дуруст бўлади. Икки сажда орасида суннат бўлган дуо йўқ.

Сўнг такбир айтиб, хотиржам сажда қилади.

Бу иккинчи сажда бўлади. Бунисини ҳам шошилмасдан, хотиржам ҳолда адо этилади.

Кейин такбир айтиб, бошини, кейин икки қўлини, кейин икки тиззасини ерга суйнамаган ва ўтирмаган ҳолда кўтаради.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди